*УНИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ САККИЗИНЧИ СЕССИЯСИ*

# ТИНЧЛИК ЙЎЛИДА, ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

(Боши иккинчи бетда).

...ижтимоий кучлар учун уруш-га қарши шу катта анжуман очиқдир. Шу кунлардаги касаба союз ҳаракатининг энг характерли томонлари тўғрисида гапирадиган бўлсак, бу нарса биринчи навбатда уруш ва тинчлик проблемалари сари туб бурилишдан иборат. Меҳнаткаш киши ҳарбий-саноат комплексининг ва шу комплекс боқимида бўлганларнинг манфаатлари деб ядро алангасида ҳалок бўлишни, ўз-ўзини йўқ қилишни ҳечам истамайди.

Совет касаба союзларининг тутган йўли равшан, деди нотиқ, бу йўл ишчилар бирдамлигини мустаҳкамлаш учун кураш, Ватан фаровонлиги йўлида фидокорона ижодий меҳнат қилиш, Ватан куч-қудратини янада мустаҳкамлаш, Коммунистик партия ташқи сиёсатини, ижтимоий тузуми турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаши сиёсатини ҳамма чоралар билан қўллаб-қувватлаш йўлидир.

КПСС Марказий Комитети, Совет ҳукуматининг фаолияти, деди КПСС Приморье ўлка комитетининг биринчи секретари депутат **В. П. Ломакин,** империалистларнинг милитаристик режаларини барбод этмоқда. Партия мураккаб халқаро вазиятда ҳақиқий ленинча матонат кўрсатиб, КПСС XXVI съездининг йўлини изчиллик билан амалга ошириб бормоқда.

Приморье ўлкаси мамлакатнинг марказидан олисда, империалистик доиралар Советларга қарши негизда АҚШ, Жанубий Корея ва Япония ўртасида ҳарбий ҳамкорликни кенгайтиришга зўр бериб уринаётган районда жойлашган. Ўлканинг хусусияти кўп жиҳатдан Тинч океан ҳавзаси мамлакатлари билан ташқи савдо, илмий, маданий алоқаларни амалга оширишда тобора ортиб бораётган аҳамияти билан белгиланади, деб давом қилди депутат.

Приморьеликлар меҳнат ғайратларини Ватаннинг халқаро майдондаги муваффақиятлари билан ажралмас деб биладилар ва мамлакатнинг иқтисодий ҳамда мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш ишига муносиб ҳисса қўшмоқ учун мумкин бўлган ҳамма ишларни қиляптилар, деб таъкидлади депутат.

Совет раҳбарлари тинчликни сақлаб қолиш ва СССР хавфсизлигини мустаҳкамлаш йўлини белгилаб берган КПСС XXIV—XXVI съездлари йўлига изчиллик билан амал қилмоқдалар, деди КПСС Марказий Комитети секретари депутат **Б. Н. Пономарев.** Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, унинг Марказий Комитети, ўртоқ Ю. В. Андропов бошчилигидаги КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ана шу мақсадга эришиш, инсоннинг биринчи ҳуқуқи— яшаш ҳуқуқини таъминлаш йўлида Ер юзида тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳамма чораларни кўрмоқдадалар.

Совет Иттифоқи Америка империализмининг агрессив йўлига қарама-қарши ўлароқ телбаларча қуролланиш пойгасига барҳам беришга, воқеаларнинг ривожини кескинликни юмшатиш, ижтимоий тузумларидан қатъи назар давлатлар ўртасида тинч-тотув яшаш ва ҳамкорлик қилиш ўзанига солиб юборишга сабот-матонат билан ҳормай-толмай эришиб бормоқда.

Ушбу сессияда ўртоқ Ю. В. Андроповнинг СССР Олий Совети Президиуми Раиси лавозимига сайланиши, деди нотиқ, СССРнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини, Совет Иттифоқи ташқи сиёсатининг обрў-эътиборини янада баланд кўтариб, халқлар тинчлиги ва хавфсизлиги учун курашга янги бир омил бахш этади.

Партиямизнинг халқаро йўли барча совет кишиларининг хоҳиш-иродасини ифода этади. Халқимизнинг фидокорона меҳнати шу йўл амалга оширилишининг ғаровидир.

Нотиқ Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети ташқи ишлар комиссияларининг топшириғига биноан муҳокама этилаётган масала юзасидан СССР Олий Совети қарорини қабул қилиш тўғрисида таклиф киритди.

Сессия «Халқаро аҳвол ва Совет Иттифоқининг ташқи сиёсати тўғрисида» СССР Олий Советининг қарорини бир овоздан қабул қилди.

СССР Олий Совети ҳукуматнинг КПСС ва Совет давлати ленинча ташқи сиёсий йўлини амалга ошириш борасидаги фаолиятини тўлатўкис ва батамом маъқуллади. КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь ва 1983 йил июнь Пленумларининг принципиал йўл-йўриқларини амалга ошириш борасида ўтказилаётган ва халқаро кескинликни юмшатишга, қурол-яроғларни чеклаш ва қуролсизланиш соҳасида самарали аҳдлашувларга эришишга, мавжуд можаро манбаларини тугатиш ва янгилари чиқишининг олдини олишга ҳамда ижтимоий тузумидан қатъи назар, барча давлатлар билан тенг ҳуқуқли тинч ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган тадбирлари маъқулланди.

Олий Совет Совет Иттифоқининг мудофаа қобилиятини тегишли даражада сақлаш ҳамда унинг иттифоқчилари хавфсизлигини таъминлаш борасидаги тадбирларни якдиллик билан маъқуллади.

Шундан сўнг «Меҳнат коллективлари ва уларнинг корхоналар, муассасалар, ташкилотларни бошқаришдаги ролини ошириш тўғрисидаги СССР Қонуни лойиҳаси ҳақида» СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари депутат **Г. А. Алиев** доклад қилди.

17 июнда СССР Олий Советининг сессияси ўз ишини давом эттиради.

(ТАСС).



**СУРАТДА:** СССР Олий Советн сессиясида қатнашаётган ўзбекистонлик депутатлардан (чапдан ўнгга) Д. Бекчонова, У. Бекниёзов, А. Файзиева, К. Кенжабоев, Ҳ. Бекназаров ва А. Шариповлар Қизил майдонда.

ТАСС—ЎзТАГ фотоси.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ИЮНЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА!

# ҚИЗҒИН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

**Барча совет кишилари сингари республикамиз меҳнаткашлари ҳам КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми материалларини зўр қизиқиш ва ҳаяжон билан ўқиб-ўрганмоқдалар. Жойларда Коммунистик партиямиз томонидан қўйилаётган вазифалар якдиллик билан қўллаб-қувватланаётир, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ю. В. Андроповнинг Пленумда сўзлаган нутқида баён этилган қоида ва хулосалар кенг меҳнаткашлар оммасининг фикр ва ўйлари билан ниҳоятда ҳамоҳанг эканлиги таъкидланмоқда. Редакциямизга келаётган хат ва хабарлар партия ташкилотлари, турли касб эгалари июнь Пленуми қарорларини бажариш учун якдиллик билан курашишга қарор қилганликларини кўрсатиб турибди.**

## КЎНГИЛДАГИ ГАПЛАР

Куни кеча ўз ишини тугатган КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми материалларини совхозимиз коллективи зўр қизиқиш билан ўқиб ўрганмоқда. Пленумда жуда муҳим масала — партия идеологик, оммавий-сиёсий ишининг актуал масалалари кўриб чиқилганлиги, унда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг сўзлаган ёрқин, сермазмун нутқи биз — қишлоқ меҳнаткашлари қалбини бир олам қувончга тўлдирди.

Дарҳақиқат, қаерда партия ташкилотлари меҳнат коллективларида идеология ишларини яхши, таъсирчан уюштирсалар ўша ерда муваффақиятларга эришилаверади. Биз буни район, совхоз ва бригадамиз мисолида, кундалик турмушда яққол кўриб турибмиз.

Бригадамизда 10 га яқин коммунист ва комсомоллар меҳнат қилишаётир. Улар ўз олдиларида турган вазифаларни сидқидилдан адо этаётганликлари учун ҳам ҳар йили маккажўхори дони етиштириш соҳасида улкан зафарларни қўлга киритиб келяпмиз.

Мен коллективга етакчилик қилиш билан бирга партия ташкилотимиз томонидан топширилган агитаторлик бурчимни ҳам юксак масъулиятни ҳис қилган ҳолда бажаряпман. Ўз бригадам аъзоларига партия ва ҳукуматимизнинг кундалик қарор ва кўрсатмаларини кенг тушунтириш билан бирга олдда турган хўжалик вазифаларини ҳам улар онгига сингдиришга ҳаракат қиламан. Шу туфайли сувчилар ҳам, механизаторлар ҳам, асосий бойлигимиз маккажўхори дони етиштириш муҳим аҳамиятга эга эканлигини яхши тушуниб, онгли равишда ўзларига топширилган вазифани виждонан бажармоқдалар.

Коллективимиз бу йил 65 гектар майдонда маккажўхори ўстирмоқда. Мақсадимиз ҳар гектар ердан камида 100 центнердан «каҳрабо дон» олишдан иборат. Меҳр билан парваришланаётган экинимиз тез ривожланиб, мўл ҳосилдан дарак бермоқда. Ишчиларимиз партиямиз томонидан қўйилган улуғвор вазифаларни бажариш йўлида бундан кейин ҳам ғайрат ва шижоатларини бўшаштирмайдилар. Зиммаларига олган топшириқларини сўзсиз бажаришни таъминлайдилар.

**Зулфия ПАРПИЕВА,**
**Қамаши районидаги «Қорабоғ» совхози маккажўхорчилик бригадаси бошлиғи, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати.**




**Севикли Ватанимиз, жумладан республикамиз халқ хўжалигининг барча тармоқлари меҳнат коллективлари КПСС Марказий Комитетининг куни кеча ўз ишини тамомлаган навбатдаги Пленуми материалларини қизғин ўқиб-ўрганмоқдалар. Суратда: республикамизнинг йирик корхоналаридан бири — Тошкент экскаватор заводининг биринчи механика цехи ишчиларидан бир группаси (чапдан) токарь Анвар Сулаймонов, Вадим Гребенкин, мастер Василий Волков, пармаловчи Жамол Умарова, фрезерчи Иброҳим Ортиқов, токарь Раҳим Йўлдошев, фрезерчи Иззатали Ҳолматов ўртоқлар. Улар танаффус пайтида Пленум материаллари босилган газеталар билан танишмоқдалар.**

**В. Молгачёв фотоси.**

## ПИРОВАРД НАТИЖА УЧУН

**«Мамлакатимизнинг ишлаб чиқарувчи кучлари яқин келажакда қай йўлдан ривожланиб боради?»** — деган саволга ўртоқ Юрий Владимирович Андропов куни кеча ўз ишини тамомлаган КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленумида қуйидагича жавоб қайтарди: **«Энг яқин мақсад равшан: аввало, биздаги мавжуд ишларда тартиб ўрнатиш, мамлакатнинг ишлаб чиқариш ва фан-техника потенциалидан ғоят оқилона фойдаланишни таъминлаш... керак».**

Дарвоқе бу — **«ҳам ҳозирги куннинг талаби, ҳам келгусидаги программавий вазифадир. Бу — ижтимоий тузумимизни такомиллаштириш умумий жараёнининг таркибий қисмидир».** Шу боиски, партия даъват этган бу вазифа, бу таркибий қисм ва бу йўл — барча совет кишиларининг фикрига, ҳис-туйғуларига ҳамоҳанг бўлиб тушди. Ангрен шахтёрлари партия кўрсатган бу йўлни янги бунёдкорлик ишлари йўли деб билмоқдалар. Зеро, меҳнат унумдорлиги ҳам, маҳсулот сифати ҳам, пировард натижада эса бутун турмушимизнинг даражаси ҳам шунга боғлиқ.

Таъбир жоиз бўлса бу йўл — москвалик ветеран ишчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Владимир Комаров ўртоқ Ю. В. Андроповга ёзган хатида айтганидек **«Биз ишчиларнинг йўлимиз!».**

Оддий ишчи В. Комаров хатига **ҳар бир софдил меҳнатчи имзо чекишига аминман** дебди. Менинг ушбу сўзларим унинг хатига чеккан имзом бўлсин.

**Турғун ҲАСАНОВ,**
**Ангрен кўмир кони 9-шахтаси шахтёри, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.**

## ҲАМКОРМИЗ, ҲАМФИКРМИЗ

Коммунистик партиямиз доимо янги инсонни камол топтириш — коммунистик қурилишнинг жуда муҳим мақсадигина бўлиб қолмай, шу билан бирга энг зарур шарти ҳам эканлигига асосланиб иш олиб бормоқда. Социалистик давлат омманинг онглилиги билан кучлидир, албатта. КПСС Марказий Комитетининг куни кеча бўлиб ўтган Пленуми «Партия идеологик, оммавий-сиёсий ишининг актуал масалалари»ни кўриб чиққанлиги бунинг яна бир ёрқин далилидир. Унда совет кишиларини ғоявий-сиёсий, маънавий жиҳатдан ва меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашни такомиллаштириш ҳақида қимматли фикр ва мулоҳазалар, қоида ва хулосалар илгари сурилди. Мазкур ишни конкрет тарихий вазият билан, ривожланишда давом этаётган ички ва ташқи шароитлар билан боғлаб олиб боришнинг йўл-йўриқлари баён этилди.

Албатта, бутун пропагандамизнинг ҳужумкорлигини кучайтириш, реализм, ҳаққўйлик ва ишчанлик, ютуқларимизни моҳирона кўрсатиш ва одамларни тўлқинлантираётган масалаларни пухта ўйлаб таҳлил этиш, фикр янгилиги ва баён этишнинг равшанлиги учун кураш ҳар бир идеология ходими, ҳар бир коммунист ва партия ташкилотининг муҳим вазифаси бўлиб қолмоғи лозим. Совхозимиз партия ташкилоти ҳам ҳар бир кишини меҳнат қилиш эҳтиёжини сезадиган, умумий манфаат йўлида ҳалол ишлаш заруратини равшан англайдиган қилиб тарбиялашга ёрдам берадиган ушбу Пленум материалларини атрофлича, синчковлик билан ўрганилиши ҳақида қайғурмоқда. Бўлимлар ва бевосита дала шийпонларида Пленум материаллари ўқиб ўрганилмоқда, унинг энг муҳим қоида ва хулосалари меҳнат аҳлига тушунтирилмоқда. Совхозимиз коллективининг ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йилида 5000 тонна пахта ва кўплаб чорвачилик, сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштириш юзасидан олган мажбуриятларини бажаришни идеологик жиҳатдан таъминлашга эътибор ҳар қачонгидан кучайтирилди. Ишчан агитатор ва пропагандистлардан Р. Қозоқов, Т. Худанов, Г. Ўрозимбетов, А. Олменов, К. Тоасаров кабилар бу ишда ғайрат кўрсатмоқдалар.

Июнь Пленуми материаллари идеологик, оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш, унинг самарадорлигини оширишда биз учун ҳаракат программаси бўлиб қолади.

**Ш. ЭШИМБЕТОВ,**
**Беруний районидаги Охунбобоев номли совхоз партия комитетининг секретари.**

## *ЛЕНИН МУКОФОТИ ВА СССР ДАВЛАТ МУКОФОТИ КОМИТЕТЛАРИДАН*

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги фан ва техника соҳасида Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофоти комитети ҳамда СССР Министрлар Совети ҳузуридаги адабиёт, санъат ва архитектура соҳасидаги Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофоти комитети 1984 йилги Ленин мукофотларини олишга топшириладиган ишларни 1983 йилнинг 16 октябригача қабул қилади. 1982 йилнинг 16 октябридан кечикмай эълон этилган (ижро қилинган, қурилган) илмий ишлар, адабиёт, санъат ва архитектура асарлари кўриб чиқиш учун қабул қилинмоқда. Техника соҳасидаги ишлар халқ хўжалигига жорий этилган бўлиши лозим.

1984 йилги СССР Давлат мукофотларини олиш учун топшириладиган ишлар 1983 йилнинг 15 декабригача қабул қилинади. Илмий ишлар 1982 йилнинг 15 декабридан кечикмай, адабиёт, санъат ва архитектура асарлари шу йилнинг 15 июнидан кечикмай эълон этилган бўлиши лозим. Техника соҳасидаги ишлар халқ хўжалигига жорий этилган бўлиши лозим.

Битта ишнинг ёки биргина номзоднинг ўзини бир маҳалда Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофотига кўрсатилишига йўл қўйилмайди.

Ишларни тақдим этиш ва расмийлаштириш билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги адресларга мурожаат этилсин: 125047, Москва, 47, 3-Тверская-Ямская кўчаси, 46, телефонлар: 250-38-08, 250-19-47, фан ва техника соҳасида Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофоти комитети; 101414, Москва, ГСП-4, Неглинная кўчаси, 15, телефонлар: 223-44-67, 223-62-47, адабиёт, санъат ва архитектура соҳасидаги Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофоти комитети.

## ИНСТИТУТ ЮБИЛЕЙИ

ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими сабзавот-полиз экинлари ва картошка илмий-тадқиқот институти ташкил этилганлигига 50 йил тўлди. Институт коллективи сабзавот, полиз экинлари ва картошка селекцияси ҳамда уруғчилиги соҳасида кўп иш қилди, шу экинларни етиштириш ва йиғиштириб олишнинг механизациялаштирилган технологиясини ишлаб чиқди, қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашнинг самарали воситаларини топди.

Юбилейга бағишлаб 16 июнь куни бўлиб ўтган тантанали йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Е. А. Айтмуротов институт коллективига Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғини топширди. Институт коллективи сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик юзасидан илмий тадқиқотлар соҳасида эришган муваффақиятлари, республикада ана шу тармоқларни ривожлантиришга катта ҳисса қўшганлиги учун ва ташкил этилган кунига 50 йил тўлиши муносабати билан шу мукофотга сазовор бўлди.

Йиғилиш иштирокчилари олимлар партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети шундан кейинги Пленумларининг қарорларига амал қилиб, ўз фаолиятлари савиясини янада кўпроқ оширадилар, мамлакат Озиқ-овқат программасини рўёбга чиқариш ишига салмоқли ҳисса қўшадилар, деб ишонч билдирдилар.

(ЎзТАГ).

## ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

16 июнь куни Тошкентда халқ депутатлари шаҳар Советининг сессияси бўлиб ўтди. Сессияда шаҳар аҳолисига транспорт хизмати кўрсатишни янада яхшилаш вазифалари муҳокама қилинди. Депутатлар КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленумининг қарорлари асосида пассажир транспорти ишини такомиллаштириш йўлларини белгиладилар.

(ЎзТАГ).

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада замонавий ва халқ қўшиқ санъатини ривожлантириш ҳамда пропаганда қилишдаги хизматлари учун А. Навоий номли Наманган область ўзбек давлат музикали драма ва комедия театрининг артисти ўртоқ Камол **Раҳимовга** **«Ўзбекистон ССР халқ артисти»** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада соғлиқни сақлашни ривожлантиришдаги хизматлари учун Хоразм область туғруқхонасининг бош врачи ўртоқ Евгения Андреевна **Гладилинага** **«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач»** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ўзбек совет адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари учун ёзувчи ўртоқ Ҳамидулла **Ёқубовга** **«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими»** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика моддий маданияти ёдгорликларини таъмирлашда кўп йил самарали ишлаганлиги учун Усто Ширин Муродов номли Бухоро махсус илмий-таъмирлаш ишлаб чиқариш устахонаси таъмирловчилар бригадаси бошлиғи ўртоқ Очил **Бобомуродов**ни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

*Дон — бойлигимиз*

## ҒАЛЛАКОРЛАР ҒАЙРАТИ

Бу йил Андижон областида 10,5 минг гектар майдонда бошоқли дон экинлари ўстирилди. 140 минг тонна дон етиштириш ва давлатга 31 минг тонна дон сотишга аҳд қилган область ғаллакорлари экинларни юксак агротехника қоидалари асосида меҳр билан парвариш қилдилар. Натижада ғалла тез пишиб етилди. Ўрим мавсуми уюшқоқлик билан бошланди. Ҳозир область далаларида 100 дан ортиқ комбайнлар ишлаб турибди.

Бу ишга Марказий Фарғона чўлида жойлашган Қўрғон Комсомолобод райони ғаллакорлари биринчи бўлиб киришган эдилар. Улар ғалла ўримини ҳам областда биринчи бўлиб тамомладилар.

Ўримнинг дастлабки кунлариданоқ жасорат кўрсатиб ишлаган комбайнчилар арпа ҳосилини қисқа вақт ичида нобуд қилмай йиғиштириб олдилар. Сомони эса ғарамларга босиб қўйилди. Ҳар гектар ердан олинган арпа ҳосили гектар бошига 20 центнердан зиёдроқни ташкил этди. Илғор хўжаликлар ва бригадаларда 30—32 центнердан хирмон кўтарилди. Бу Қўрғон район шароитида яхши кўрсаткичдир. Ўрим-йиғим ишлари, айниқса, «Оқ олтин», «Дўстлик», Мирзаахмедов номли совхозларда уюшқоқлик билан ўтказилди.

Балиқчи, Избоскан, Москва районларида ҳам ўрим-йиғим тобора жадаллаштирилмоқда.

**А. ҚУРОНБОЕВ.**

## Ипатоволиклар усулида

**● ФАРҒОНА. («Совет Ўзбекистони» мухбиридан). Киров райони хўжаликларида ғалла ўрим-йиғими қизғин давом этмоқда. Мамлакат Озиқ-овқат программасини бажаришга муносиб ҳисса қўшишни ўз бурчлари деб билган ғаллакорлар етиштирилган бошоқли дон экинларини сира нобуд қилмай ўриб-янчиб олиш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. 720 гектар майдонга бошоқли дон экинлари экилган эди. Ана шу майдонлардаги ғалла ҳосилини қисқа муддатларда йиғиштириб олиш учун ипатоволиклар методи асосида ташкил этилган 10 та йиғим-терим отряди шу кеча-кундузларда юксак унум билан ишламоқда.**

**Биринчи бўлиб ўримга киришган «Партия XX съезди» колхозининг Абдуманнон Ҳазратқулов бошлиқ бригадаси коллективи 25 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 16 ўрнига 35 центнердан дон йиғиштириб олди. Энди навбат хўжаликнинг 120 гектарлик ғаллазорларига келди. Ғаллакорлар, транспортчилар ўрим-йиғим ишларини ўн иш кунида туғаллаш учун барча куч ва воситаларини тўла сафарбар этмоқдалар.**

**О. ҲАКИМОВ.**

